1991 — 1998

7 МУСТАҚИЛЛИК

хабарлар

Ҳам мукофот, ҳам стипендия

У дала-ю боғларга меҳр қўйганди. Ҳозир унинг фарзандлари она сутини оқлашмоқда. Раислик қилган жамоа хўжалиги унинг номида — Каромат Рустамова деб аталмоқда. Қурдирган мактабига ҳам номи берилган. Энди Каромат Рустамова стипендияси жорий этилди. Китоб тумани ҳокимлиги эса турли соҳаларда меҳнат қилаётган фидокор кишиларга йилига бир марта Каромат Рустамова номидаги мукофотни беришга қарор қилган. Дастлабки мукофот тиббиёт ходими Муҳаббат Бўриевага насиб этди.

Юнус УЗОҚОВ

Помидорнинг «додаси»

Сурхондарёлик Нажмиддин Ваҳобовнинг 10 сотихлик томорқасида етилган помидорлардан кўпчилик ҳайратда. Гап шундаки, помидорларнинг баъзилари шундай етилганки, ярим килогача тош босади. «Уруғини Самарқанддан олиб келувдим, — дейди Нажмиддин ака. — Навини «Суперволгоград» дейишар экан. Шундай ҳосил бўлдики, асти қўяверасиз. Насиб қилса томорқадан 200 минг сўмга яқин даромад бўлади-ёв».

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ЙИЛОЙКУН

ўзгаришлар

Ал-Бухорий ва жаҳон маданияти

Пойтахтдаги республика байналмилал марказида буюк аллома ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди. Йиғилганлар «Имом ал-Бухорий меросининг жаҳон маданияти тараққиётидаги ўрни», «Ал-Бухорий маънавий меросининг аҳамияти», «Бухорий ҳадиси-шарифларида оила, ахлоқ ўзаро тотувлик ғоялари» мавзуларида маърузалар тинглашди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Жондор гиламлари

Жондор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида кичик корхоналар сони 11 тага етди. Яқинда Ушоқ қишлоғида қўй жунидан гилам тўқишга мўлжалланган «Шамс» кичик корхонаси ҳам иш бошлади. Бу ерда 60 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Вилоят меҳнат биржаси, Бухоро туманидаги О. Убайдов жамоа хўжалиги, Жондордаги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси кўмагида бунёд этилган бу корхонада гиламлар қатори жун кўрпалар, ёстиқлар ҳам тайёрланмоқда. Қизларга тўқиш сирларини афғонистонлик гиламдўзлар ўргатишмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

«Интерконтиненталь» (Тошкент)


«Бухоро» (Бухоро)

«Афросиёб» (Самарқанд)

Ўзбекистон меҳмонхоналари

Суратларни Владимир ПАНОВ ва ЎзА фотомухбирлари олган.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 4 август, сешанба • № 91 (22.328).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги "Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги VII - 1919-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини технологик жиҳатдан рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги VII - 1919-сонли Фармони қоидалари қуйидаги банд билан тўлдирилсин:

"Янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, республика ҳудудига келтирилаётган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиқловчи ҳужжати бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин".

2. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари бўйича департаменти Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ваколатли банклар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида тасдиқланган инвестиция лойиҳаларига мувофиқ импорт қилинаётган технология ускуналарини қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 август.

Товон тўланиши шарт эмиш

Инсон ҳуқуқлари бўйича Канада трибунали тенгсиз ҳақ тўланмаган шароитларда ишлаганлари учун ҳукуматдан товон тўлашни талаб қилишга ҳақли кишиларни аниқлади. 200 мингдан ортиқ хизматчи фуқаролар, асосан аёллар товон пули олишлари шарт. Канада қонунларига биноан аёллар ва эркакларга бир хил вазифани бажарганлари учун турлича ҳақ тўланади. Юристлар эса бу борада адолат ўрнатиш учун 14 йил кураш олиб боришди.

Янги Бош вазирнинг баёноти

Японияниг янги Бош вазири Кейцзо Обучи молия вазири лавозимига мамлакатнинг собиқ бош вазири Киичи Мияцзавани тайинлашни ният қилганини айтди. 78 ёшли Мияцзава 1980 йилларда Молия вазирлигини бошқарган эди. Унинг молия соҳасида ва ташқи сиёсатда тажрибаси катта бўлиб, ушбу вазифани бемалол уддалай олиши мумкин. Маълумки, шу ҳафта ичида Японияниг янги ҳукумати ташкил этиб бўлинади.

Узбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 4 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	61,31
1 Австрия шиллинги	8,08
1 Англия фунт стерлинги	165,02
10 Бельгия франки	27,57
1 Голландия гульдени	50,41
10 Греция драхмаси	3,42
1 Дания кронаси	14,92
1 БАА дирхами	27,51
1 АҚШ доллари	101,02
1 Миср фунти	29,65
1 Ирландия фунти	142,89
1 Исландия кронаси	1,42
10 Испания песети	6,69
100 Италия лираси	5,76
1 Канада доллари	66,73
1 Хитой юани	12,20
1 Қувайт динори	334,28
100 Ливан фунти	6,70
1 Малайзия ринггити	24,34
1 Германия маркаси	56,85
1 Норвегия кронаси	13,39
1 Польша злотийси	29,43
10 Португалия эскудоси	5,57
1 Сингапур доллари	58,42
1 СДР	134,31
1000 Туркия лираси	0,37
1 Финляндия маркаси	18,70
1 Франция франки	16,96
1 Швеция кронаси	12,73
1 Швейцария франки	67,80
1 ЭКЮ	112,00
10 Жанубий Корея вони	0,81
10 Япония иенаси	6,98
1 Россия рубли	16,19
1 Украина гривнаси	47,51
1000 Белорусь рубли	2,41
1 Латвия лати	168,72
1 Литва лити	25,26
1 Молдова лейи	21,24
1 Қирғизистон соми	5,18

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Фавқулодда ҳолат

Маълумки, Хитой Халқ Республикасида шу йилнинг ёз ойларида даҳшатли сув тошқинлари юз бермоқда. Оқибатда минглаб одамлар ҳалок бўлди. 10 минглаб оилалар бошпанасиз қолди. Яқинда кетма-кет ёққан жала оқибатида Янцзи дарёси яна кўтарилди ва фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Самолёт портлади

Покистон ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи самолёти Карочи атрофидаги аҳоли зич жойлашган ҳудудларга қулаб тушди. Натижада олти киши қурбон бўлиб, 25 киши жароҳатланди. Портлаш натижасида яқин атрофдаги кварталлардан бирида ёнғин бошланди.

Энг камбағал мамлакат

Халқаро банк тадқиқотларига кўра, Молдавия Европадаги энг камбағал мамлакатлар сирасига киради. Шу боис, ушбу мамлакатга энг имтиёзли шароитда кредит ажратиш мўлжалланмоқда. Жаҳон банкининг Молдавиядаги доимий вакили Жеймс Парк яқин келажакда Молдавияга 175 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилади, унинг 160 миллиони имтиёзли бўлади деди. Бу усул энг камбағал мамлакатларда қўлланилади. 1999 йилда республиканинг ижтимоий сармоялар жамғармасига ижтимоий муҳофаза ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун 15 миллион доллар келиб тушади.

Шартномага эришилди

Американинг энг йирик автомобиль корхоналаридан бири «Женерал Моторс» жаҳондаги энг йирик корпорациялардан биридир. Яқинда ушбу корхонанинг раҳбарлари ва касаба иттифоқи вакиллари ўртасида етти ҳафталик иш ташлашни тўхтатиш ҳақида дастлабки шартномага эришилди. Ушбу ҳужжатдаги асосий гаплар дарров эълон қилингани йўқ. Шартномани компанияга қарашли икки завод ишчилари тасдиқлаб беришлари керак. Ушбу иш ташлаш кейинги 30 йил ичидаги энг узоқ давом этган норозилик бўлиб, бунинг натижасида 2 миллиард доллардан зиёд зарар кўрилган. Президент Клинтон шартномага эришилишини барча америкаликларнинг ғалабаси деб баҳолади.

Чархпалак «қилиғи»дан бехабар чўп қувлаган ойимқиз

Фалакнинг гардиши қизиқ. Айланавераркан, айланавераркан. Синчиклаб кузатган киши унинг чархпалагининг айрим қайталаб турадиган «қилиқлари»ни ҳам сезиб қоларкан. Масалан, агар худойи таоло ўз бандаларидан бирон гуруҳини жазоламоқчи бўлса, энг аввало уларни ақлдан оздириб қўйиши билан боғлиқ қонуниятни.

Ҳақиқатан ҳам Нуҳ пайғамбар замонидаги буюк тошқиндан олдинги вазиятни эсласак, кишилар, имон-эътиқод, шарму ҳаё, одамгарчиликни йўқотиб айшу ишрат, фаҳшу касофатга берилганлари, натижада Яратган томонидан юборилган жазога, бир сўз билан айтганда, ақл-ҳушларидан айрилишлари, сўнгра дунёнинг сув босганларининг гувоҳи бўламиз. Бошқача айтганда, ўша давр жаҳолати тўғрисида муайян тасаввурга эга бўламиз. Ва бундай ҳолатлар оқибати аянчли тугаганига қарамай, кейинги замонларда яна қайтарилганидан ачиниб кетамиз.

Албатта, биз бу ерда ислом хуружидан аввалги Арабистондаги жоҳилия даврини назарда тутмоқдамиз. Ширк келтириш дейсизми, чақалоқ қизалоқларни тириклайин қумга кўмиш дейсизми, шакл-шамойилидан қатъи назар имон-эътиқод йўқолиб, жаҳолат ғолиб келганди ўшанда. Аммо бу сафар раҳмдил оллоҳ бандаларини тўғри йўлга олиб чиқиш учун ўз расулини юборди. Бундан кейинги воқеалардан ҳаммамиз хабардормиз.

Ё бўлмаса, сўнгги икки юзлик тарихида қутуриб борган, не-не мамлакатларни хароб, не-не халқларни абгор қилган Россия империяси бошига 1917 йили ёғилган бало — большевикларнинг ҳокимият тепасига келишини нима билан тушунтириш мумкин?

Биринчи жаҳон урушидаги мағлубият аламини тортган олмон жамиятида кейинги йилларда қўзғаган, қўзғатилган улуғ миллатчилик «эвази»га пайдо бўлган фашизм ҳам ўзига хос жазо эмасмиди?

Етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида оддий инсонийликни худосизликдан ташқари ҳар қандай эътиқодни, миллийлик, тарих, маданиятни инкор қилиб келган коммунистик тизимнинг шармандаларча хотимаси-чи?

Хуллас, тарихда шу мазмундаги катта-кичик мисоллар кўп. Бугунчи, бугун?

Хом сут эмган одам боласи шундай эканки, ўтмиш сабоқлари бўла туриб ҳам гоҳида ўзини яна ўша «қилиқ»ли чархпалакка ураверраркан. Оқибатини ўйламас экан.

Ўтган хафтада телевидениемизнинг «Сиёсат оламида» кўрсатувида янграган бир хабар бизни ушбу хулосага чорлади. Хабар моҳияти қуйидагича: Россиянинг НТВ «нодавлат телевидение» каналининг мухбири Елена Мосюк бир неча кунлик хизмат сафари билан Тожикистонга келган. Шу вақт ичида НТВ орқали унинг икки хабари тарқатилган. Биринчиси, гўёки тожик жангариларидан бири Самарқанд ва Бухорога даъвогарлик қилган. Иккинчиси эса эмишки, Тожикистонда яшаётган етмиш саккиз яшар бир рус кампирини ё тожик, ё ўзбек йигити зўрлаган. Шундан сўнг НТВдаги ғамхўрлар унинг Астрахандаги қизини топиб, бўлган воқеа ҳақида уни хабардор этганларида, қизи, онамдан хабар олиш учун менинг маблағим йўқ, деган. Мана шунақа гаплар.

Хўш, мазкурларнинг биз бошда кўтарган жаҳолат, маънавий тубанлик ва унга бериладиган жазо мавзусига қандай алоқаси бор? Сезгир ўқувчи илғаган бўлиши керак — алоқаси бор. Ҳа, афтидан Россия жамияти жаҳолат гирдобига тортиляпти.

«Сиёсат оламида» иштирокчилари тўғри таъкидладилар: ҳақиқатан бугунги Россия оғир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулни бошдан кечирмоқда. Қайси соҳани олманг «ит эгасини танимаётганлигининг» гувоҳи бўласиз.

Сиёсий ҳаётда. Парламент, президентлик сайловлари яқинлашаркан, қандай бўлмасин «иссиғи»нинг пайида бўлган, насл-насабини тайини йўқ турли кучлар ва шахслар бир-бирини чаплаш билан овора. Манманлик, мунофиқлик, сотқинлик, ёлғон-яшиқ авжида. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир-иккита мисол.

Сабабларидан қатъи назар бир пайтлар қурбон бўлиб кетган Николайнинг (бизнинг боболар уни оқ пошшо дейишган, 1916 йили эркак аждодларимиздан бир неча мингини мардикорликка сафарбар қилган ҳам ўша) суякларини ерга қўйиш билан боғлиқ ҳангомаларни олайлик. Майли, биз ўзбеклар кечиримли халқмиз. Жойи жаннатда бўлсин, тупроқдан ясалган Одам Атонинг ҳар бир зурриётига яна ерга кириш бахти муяссар бўлсин. Лениндек Ёр билан осмон ўртасида муаллақ қолишдан Ўзи сақласин. Лекин шу ҳангомалар авжига чиққанда ҳам, ундан олдин ё кейин ҳам ҳеч бир зот «тирикларнинг кечмиши қандай», деб савол қўймаганини нима билан изоҳлаш мумкин. Ўликлар, аниқроғи, уларнинг саралари ҳурматда, суяклар муҳаббатда, тириклар эса аросатда мамлакат бу, дейишга тилинг бормайди. Петр 1 нинг «бунёдкорлик» фаолияти оқибатида ажалидан олдин ботқоқликлар қаърига кирган минглаб мужиклар, «инқилоб» йўлида, «оқлар» ва «қизиллар»аро жангларда, сиёсий қатағонлар, «индустрилизация», «коллективизация», «культурилизация» йилларида, иккинчи жаҳон урушида «буюк саркарда» Сталин ва сталинчиларнинг ҳарбий «санъати» туфайли гўрга кирган, кирмаганлар, «номаълум солдатлар», хуллас миллион-миллион қурбонларга ҳам ҳурмат, муҳаббат борми, дейишга қўрқасан киши.

Яқинда Москвада унинг ҳокими Лужков бошчилиги ва ҳомийлигида халқаро ёшлар ўйини бўлиб ўтганидан ҳам хабарингиз бор. Албатта, спорт керак, у яхши нарса. Ахир соғ танда соғлом ақл. Спортнинг ақлга фойдалигини Лужков аниқ англаган кўринади. Чунки шунча пулни бекорга сарфлашга у ҳам аҳмоқ эмас. Ўз давлати раҳбарини минбарга ўтқизиб қўйиб, ушбу «ўйинларнинг» очилишида ҳам, ёпилишида ҳам нафақат пойтахт ё «бутунроссия», балки халқаро эътиборнинг қоқ киндигида (ўзининг киндиги эса қорни катталигидан кўринмай қолган) турди. Бу ўйинларни Москва ўтказаяпти, дея дунёга жар солди. Футбол бўйича жаҳон биринчилигини Париж эмас, Франция ўтказди-ку, ёшлар ўйини ҳам аслида Россия (демакки Ельцин) номига муҳрланиши керак-ку дейдиган бир ақлли топилмади. Шундан кейин жисмоний ҳаракат ақлни пешлайди, деса биров ишонадими? Йўқ, албатта. Лекин сиёсий ўйинлари учун «ақл», аниқроғи маккорлик керак нарса.

Бошқа бир мисол. Сал бурун Москвада чиқадиган «Собеседник» газетасида

(Давоми 2-бетда)

Истиқлол мушоираси

ВАТАН

Ойга боқдим ой бўлиб,
Сойга боқдим сой бўлиб.
Инсон бўлиб яшадим,
Бир ўйноқи той бўлиб.

Ватан учун жон бергум,
Дўсту-ёронга ён бергум.
Элим бахти йўлида,
Боримни қурбон бергум.

Меҳнат қилиб толмадим,
Яхшилардан қолмадим.
Сени суйдим она юрт,
Хаёлларга толмадим.

Юрт бахти—менинг бахтим,
Ҳам шону катта тахтим.
Сени бошда тутмаклик,
Ватаним мангу аҳдим.

Оташ ХОЛМИРЗАЕВ

Чархпалак «қилиғи»дан бехабар чўп қувлаган ойимқиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

муттасил беш йил Кремлда, Ельцин билан елкамаелка жонбозлик кўрсатган, ҳозирда думи тугилган Д. Шевченко деган журналист шундай гапни ёзибди. Эмишки, Германияда сафарда бўлган чоғи «шефи»нинг кайфи шу қадар ошибдики, барчанинг кўз ўнгида чалқанчасига ерга йиқилиб тушибди. Бу гапларга ишонгинг келмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Қип-қизил туҳматга ўхшайди. Лекин буни келтиришдан ва ҳамда Лужков ҳаётидан лавҳалардан, ва яна Лебеднинг ғоз юриши, Селезнёвнинг эски тузум устида кўз ёши тўкиши, қизил галстукли Зюгановнинг комсомолларча хархашаси, Явлинскийнинг фалсафаси, Жириновскийнинг кунда пўст ташаши, Кириенко машмашасини эслатишдан мақсад шуки, ҳақиқатан ҳам бу давлатда ит эгасини танимай қўйяпти. Мамлакатдаги сиёсий ҳаёт катта томошага айланиб бораяпти. Унда «Труд» газетаси (17 февраль 1998 йил) гувоҳлик беришича, 2967 партия, 2565 оммавий жамоат ташкилотлари иштирок этмоқда. Шу маънода Россия Маданият ишлари вазирлигининг бонг уришида жон бор. Мазкур идора эълон қилган хабарларга кўра 1990 йилда республика театрларига 55,6 миллион томошабин қатнаган бўлса, 1997 йилга келиб мазкур кўрсаткич 27,7 миллионга тушиб қолган. Бир томондан тўғрида, одамлар уйида ўтириб ҳам текин томошани кўраверади. Лекин барибир савол туғилади: оддий фуқаро ҳаётидаги ғалвани ким кўради, у бечора ўз дардию арзини кимга айтсин.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Яна «Труд» газетасига мурожаат қилсак, ҳозирда Россиянинг давлат қарзи 200 миллиард долларни ташкил қилиб, бу икки йиллик давлат бюджетига тенг экан. Фақат шу йилги ички қарзларни бартараф этиш учун 82 миллиард (эски пулда 82 триллион) рубль даркор бўлади. 1991-1997 йилларда 400 миллиард долларга тенг ноёб ресурслар мамлакат ташқарисига олиб кетилган. Россия иқтисодиётининг 25 фоизи хуфия тармоқлар эгалари қўлида бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 120 минг иқтисодий жиноят содир этилган.

Ишга яроқли аҳолидан деярли ҳар ўн кишидан бири (6,5 миллион киши) ишсиз. Биргина кўмир қазиб олиш саноатида шу йилнинг бошида 51 минг иш ўрни қисқарган. Ўтган йилда 18746 марта иш ташланган. Биргина январь ойида 10 миллион киши ҳукуматга қарши норозилик намойишларида иштирок этганлар, улардан 8 мингги очлик эълон қилган. Ўтган йилда Россия аҳолиси 682 минг кишига камайган, табиий ўсиш тўхтаган. Шароит оғирлигидан юқумли касалликлар тез тарқамоқда. 1997 йилда 250 минг киши сил касаллигидан ўлган.

Болали оилалардан (23 миллион) ярми қашшоқликда умр кечирмоқда. 4 миллион бола бошпанасиз. Ўқувчилардан 70 фоизи мактабда иссиқ овқат ейиш имконига эга эмас. Балоғат ёшига етмаганлар томонидан йилига 300 минг жиноят содир қилинади. Оғир турмуш шароитда оиласини тарк этиб кўчада итлар орасида бир неча ой яшаган Реутов шаҳрилик тўрт яшар бола ғожиаси-чи. Наркоманга айланган икки миллион кишининг аксарияти 13 ёшдан 25 ёшгачалиги-чи. Наркомафиянинг йиллик даромади эса бу мамлакатда 1,5 миллиард долларга тенг экан.

БМТ тайёрлаган маълумотномада турмуш даражаси бўйича Россия 1997 йилда жаҳон мамлакатлари орасида Суринамдан кейин 67 ўринни эгаллабди..

100 минг нафар россиялик ҳарбийлар уй-жой олиш учун навбатда турган бир шароитда Москванинг ўзида деярли 900 минг квадрат метр уй жой бўмбўш турибди. Йигитлик ёшига етганларнинг 82 фоизи армияда хизмат қилишни хоҳламаяптилар, улардаги ватанпарварлик туйғулари аллақачонлар ўлган кўринади. Очиғини айтганда тилга олинган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда инсоний туйғуларга йўл бўлсин. Ҳали ҳаёт нималигини билмайдиган тўрт яшар ёш болакай одамлар даврасидан қочиб итлар оғушини афзал билган экан, у туғилган жамиятдаги маънавий аҳвол тўғрисида нима ҳам дейиш мумкин.

Шу маънода, «Сиёсат оламида» кўтарилган мавзуга қайтсак, Елена Мосюк қилмишига, унинг нафақат аёлларга, балки умуман ақлирасо кишиларга хос бўлмаган бузғунчилик, мунофиқлик, иккиюзламачилик хатти-ҳаракатларига ҳеч бир шубҳаланмаса ҳам бўлади. Аммо ўз уйингда шундай аянчли вазият кечиб турганда тинч-осойишта, бировларга безарар ҳаёт кечираётганларга тош отиш, халқларни бир-бировларга қарши қўйиш тубанлик эмасми. Биламиз, ўзбеклар ва тожикларо азалий яқинлик, ҳар икки халқнинг ҳам обод ва озод жамият барпо этиш истаги шовинистлар, империяпарастлар ҳаловатини бузган. «Ўзаро уруштириб кейин бошқаравер» сиёсатига амал қилиб икки қардош халқни бир-бировга гиж-гижлаб, Марказий Осиёни ўтга солмоқчи бўлганлар ва бу йўлда мақсадга мувофиқ иш юритаётганлар ҳали бор Россияда. Бироқ сен ойимқизга нима манфаат? Сенинг қўлингга чўп тутқазганлар вақти келса сендан ҳам кечиб юборишларини билмайсанми? Ё ўзинг чўпталаб бўлиб қолдингми? Ўзбек ё тожик йигити бир муштипар кампирни зўрладилар, дея ёлғон гапни тарқатишинг ўзбек ва тожикларнинг ор-номуси, нафсонияти ва ҳамиятига тегишини билардинг-ку. Ахир ўзбек ва тожик жамиятлари сенинг жамиятинг каби тубанликка юз урмагани ва ҳеч қачон бундай бўлмаслигини англамайсанми? Бундай ҳолатлар кўпроқ маънавий қашшоқланиб бораётган сенинг юртингдагина содир бўлишини ёддан чиқардингми? Ё бу ерда бошқа сир борми?

Балким сенинг ўзинг зўрланишни хоҳлагандирсану, аммо жавобсиз қолиб алам қилганидан шундай бўҳтонга қўл ургансан. Маънавий бузуқ муҳитдан келиб бизнинг табаррук тупроқларда эски қилиғингни кўмсаб қолганга ўхшайсан. Халқимизда бир мақол бор: иштони йўқ чўпдан қўрқар. Бу маънавий тубан инсон барчани ўзига ўхшатади дегани.

Гап сенда эмас. Сенинг қилиғинг, ўй-фикринг жамиятингнинг маънавий инқироз томон кетаётганидан далолатдир. Балки ўтмишда бўлганидек, бу сен ва сенга ўхшаганларга Яратган томонидан йўлланадиган навбатдаги жазодан олдинги ақлдан озиш ҳолатидир. Эҳ, чархпалак «қилиғи» дан бехабар чўп қувлаган ойимқиз...

Афзал ИСМОИЛОВ

Ишонч

Ривоят қилишларича, куёв илк бор гўшангага кириб, келинни хафаҳол ҳолда кўрибди ва сўрабди: «Нега безовтасиз, нима бўлди?» Келин: «Мен сизга унаштирилганимга қадар бир йигит менга кўнгил қўйган эди. Тақдир бизни бирбиримизга қўшмади. У никоҳ оқшоми охирги бор видолашиш учун учрашишни ўтиниб сўраганди. Мен йўқ дея олмаган эдим. Айни пайтда сизда изнга ишонч ҳисси етармикин, билмадим...» Куёв: «Ваъдалашган бўлсангиз, майли. Бир-бирига ишонмай оила қуриб бўларканми?» — деб келинга рухсат берди... Келин ошиқ йигит ёнига етди. Ошиқ йигит сўради: «Қочиб келдингизми?» Келин: «Йўқ. Хўжам воқеани эшитгандан кейин ишониб рухсат этдилар». Йигит: «У мардлик қилиб, сизга ишониб марҳамат этган бўлса, мен у билан бахтли бўлишингизга ишондим» дея қизни йўлда хатарлардан асраб уйига олиб бориб қўйди.

Бу, албатта, ривоят лекин, жамият тараққиётининг муҳим хусусияти ҳисобланмиш ишонч ва ишончсизлик кишилар ўртасидаги бошқа муносабатлар қатори жуда-жуда қадимдан юзага келган тушунчалардан бири бўлиб ҳисобланади. Кишиларнинг табиат кучлари олдида, бўлаётган воқеа-ҳодисалар қаршисида қўрқиш ва қўрқмаслик, фасларнинг маълум бир муддатларда такрорланиш ҳолатлари, кўникмаларнинг ҳосил бўлиши шундай хусусиятларнинг юзага келишига сабаблардир.

Тарихий манбаларга мурожаат этадиган бўлсак «Авесто»да яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида албатта, охир-оқибатда яхшилик худосининг (Ахирамазда) ғалаба қилишига ишонч туйғуларининг кучлилиги бунга мисол бўлиши мумкин. Шунингдек, «Қобуснома», «Калила ва Димна», «Ҳикматлар хазинаси», муқаддас «Ҳадислар» каби нодир китобларда келтирилган ривоят ва ўгитларда ҳам эзгуликнинг доимо ғолиблигига бўлган ишонч руҳи кишиларни оптимистик йўналишга бошлаган.

Шундан кўриниб турибдики, тарихий жараёнда кишилар, халқлар, давлатлар ўртасида алоқаларда, муносабатларда эзгу мақсадлар йўлидаги бир-бирига ишонч руҳи уларнинг урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи бир-бирига яқинлашишга, бир-бирини тўлдиришга хизмат қилиб келган. Айтиш мумкинки, ишонч кўнгил тинчлигидир. Кўнгил тинчлиги халқ, давлат тинчлигининг асосларидан биридир. Ишонч руҳининг кучи, қудрати ва беқиёслиги ҳам мана шунда. Инсонлар онгида, қалбида ишончсизликдан аввал ишонч туйғуларининг пайдо бўлишига ҳам асосий сабаб шу бўлса керак.

Ишонч айтилаётган гапнинг ёки рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳақиқатлигига шубҳа қилмасликдир. Ишончсизлик эса, қабул қилинаётган ахборотнинг, ҳақиқат сифатида қабул қилиниши лозим бўлган ҳолларда ҳам шубҳа билан қаралишидир.

Ишонч тушунчасининг шаклланиш жараёнига тараққиёт — барқарорлик — ишонч — мафкура тизими бўйича ёндошиш мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, тараққиёт бор жойда албатта меъёрий барқарорлик вужудга келади. У ўз навбатида барқарорлик кўринишидаги (маълум бир муддатга, негаки тараққиёт давом этади) ҳақиқатга ва шу ишончга айланади. **Ишонч эса мафкуранинг маънавиятдаги бир йўналиши бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз ижтимоий тараққиётдаги асосий учинчи бир таркибий қисм сифатида (иқтисод ва сиёсатдан кейин) миллий мафкурага ҳам концептуал масала сифатида қараш лозимлигини уқдиради. Негаки, мустақил тараққиётимизнинг барча жабҳаларидаги ўзига хос олға қараб силжиш асосининг мустаҳкамлигини юзага келтириш асосида халқимизда маънавий барқарорлик, мустаҳкамлик, энг муҳими ишонч туйғулари бисёр бўлишини таъминлаш лозим. Шундагина, юртбошимиз таъкидлаганидек, ишонч орқали кишиларда ўз яратувчилик қобилиятига, имкониятига, қудратига мос равишда маънавият енгилмас кучга айланади. Акс ҳолда, ишончсизлик, мафкурасизлик, ноизчил тафаккур одамларни, жамиятни ва давлатни ўз йўлидан адаштиради.**

Мустақил тараққиёт ва унинг ижобий самарасига бўлган ишонч ўз омиллари ҳамда асосларига эга. Мустақиллик, мустақил тараққиётнинг айни ўзи ҳам халқ ишончининг бугунги кундаги муқаддас омил ва асосларидан биридир. Негаки, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий соҳада олиб борилаётган ишларнинг кўлами, уларнинг натижалари ва самараларига бўлган муносабат ҳам ишонч манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишончнинг кўлами, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги табиийки, кишилардаги дунёқарашга, билимига, моҳирлигига, ҳаётий тажрибаларига, мафкурасининг софлигига, элига, ватанига муҳаббатига боғлиқ бўлади. Бу албатта асосланмаган, қотиб қолган (догматик) кўр-кўрона ишонч ҳисларидан тамомила фарқ қилади. Негаки, айрим ҳолларда баъзи кишилар, медалнинг икки томони борлигини унутиб қўядилар. Бир ёқлама фикрлайдилар. Айрим ҳолларда, айниқса ёшларимиз «вахҳобийлик» кўринишидаги турли хил, кишини «Зомби»га айлантирувчи оқимларнинг таъсирига тушиб қоладилар. Негаки, улардаги тафаккурлаш қобилияти, ишонч руҳининг тизими хусусиятига, мантиқли мушоҳадалаш имконияти даражасига кўтарила олмайди. Чунки, ундай кишилардаги дунёқарашнинг тийраклиги етишмайди, пойдевори бўш. Улардаги билим савияси, тафаккури, маънавияти, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига тўғри тушуниб ета олмаслиги,

Янги замон кишиси...

Партия фаоллари

У ким, дейсизми? Марҳамат танишинг: тақдир тақозоси, ҳаётнинг бирбиридан мураккаб сирсиноати туфайли Владимир Россияда эмас, аксинча Ўзбекистон тупроғида, Қизилтепа туманининг олис бир қишлоғида туғилди. Бу ўринда шубҳасиз қирғинбарот урушни, шафқатсиз жангу жадални лаънатламоқ, қарғамоқ жоиздир. Киндик қонинг томган тупроқ муқаддас, кўз очиб кўрган заминнинг Ватан эканини Владимир яхши ҳис этади. Худди шу туйғу, уни болалигидан заминимизга боғлаб қўйди. Бугунги кунда ҳеч ким Владимирни рус миллатига мансублигини билмайди. Ҳаммма уни ўзбек ёки тожик, деб биладди. Чунки у бу икки тилда ўз она тилидан ҳам яхшироқ сўзлаша олади. Назаримда, худди шу тил, дил билишлиги унинг раҳбарлик ишида, одамлар орасида бўлишлигида жуда қўл келмоқда.

Унинг Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Навоий вилоятининг Навоий, Қизилтепа туманлари партия қўмиталарида узоқ йиллар ишлаган даврларида ҳам асқотди.

Мана, 12 йилдирки, у ўзи туғилиб ўсган «Бухоро» жамоа хўжалигида раис. Қизилтепадаги энг илғор хўжалик. 8500 нафар аҳоли истиқомат қилади.

— Қани энди Владимир Яковлевичга ўхшаган шу замон кишилари ниҳоятда кўп бўлса,- дейди Қизилтепа тумани ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Турсунпўлат Фатуллаев.- Чунки у одамларни ортдан эргаштиришда ҳам, эзгу ишларга жалб этишда ҳам ўзига хос тажрибага эга. Айниқса, мураббийчилик ҳаракатида унга ҳавасинг келади. Тумандаги асосий кадрлар Шашурингa шогирд, десам ишонаверинг!

...Нафақат мураббийчилик, балки бозор иқтисодиёти ва муносабатларини тўғри тушуниб етишда, хўжалик юритиш, унинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқишда ҳам Владимир Яковлевичнинг олдига тушадигани йўқ. Оила пудрати, ижара ва шартнома шартлари асосида ишлаш механизмини унинг хўжалиги ўн йилдирки, қўллаб келяпти. Ҳозир хўжаликда 7 та тегирмон, 2 та мойжувоз, ўнлаб савдо нуқталари аҳоли хизматида. 2 та марказлашган амбулатория, 4 та медпункт, 1 та аптека кишилар саломатлиги муҳофазаси хизматида. Шунингдек, хом ғишт линияси, йилига 40 минг шартли банкага мўлжалланган консерва цехи ҳам ишлаб турибди.

— Бу тадбирлар, хайрли ишлар жорий, яъни Оила йилида ҳам давом эттирилмоқда,- дейди В.Шашурин. — Чунки бу йилги ишларимиз ҳам ёмон эмас. Амалдаги йилда 3300 тонна ғалла, худди шунча пахта етиштирамиз. Қорамоллар сонини 250га, қўйларни эса 1500 бошга етказамиз. Даромадлар эвазига эса маданият саройи, янги стадион қурамиз...

Ҳа, Владимир Яковлевичдек танти, талабчан раҳбарлар борлиги фахрдир. Фахр эса миллат танламайди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Оила қувончи

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Эртани ўйлаб

Сирдарё вилояти хўжаликларида ғалла экинидан бўшаган майдонларни ҳайдаш, келгуси йил ҳосили учун замин яратиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

— Кеча 85 та ҳайдов трактори унумли ишлади, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Юсуф Йўлдошев. — Иш суръатини ошириб, кузги буғдой экишни самарали ўтказиш ҳамма учун муҳим иш бўлиб турибди.

Вилоят ғаллакорлари бу йил катта зафар қўндилар. Давлатга 186 минг 314 тонна ғалла сотилди. Бу давлат буюртмасидан 3 минг тонна кўпдир. Сайхунобод, Ховос, Сирдарё, Боёвут, Ш. Рашидов ва бошқа туманларда ғалла ҳосили ҳар йилдагидан мўл бўлди. Шу кунга қадар вилоят бўйича 30 минг гектардан ортиқ ер ҳайдаб қўйилди.

Меҳнатобод, Сирдарё туманлари шудгорлашда баракали ишламоқдалар.

А. УМАРОВ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Кўмирдек ёнасизми, куясизми?

Бугунги мактаб партасида ўтирган ёшлар ҳадемай мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли жабҳасида фаолиятини бошлашади. Бу табиий ҳол. Гап шундаки, ана шунда уларда уқувлилик, ўз ишига зукколик билан муносабат кўпроқ мужассам бўлса, албатта бу бугуннинг ютуғи. Акси бўлсачи...? Демакки, бугунги ўқувчиларни ўта билимдон, фаҳмфаросатли қилиб тарбиялаш фақатгина халқ таълими муассасаларида фаолият юритаётган кишиларгагина тааллуқли эмас, балки барча бунга масъулдир.

Ҳали бир йил бўлганича йўқ. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинган эди. Албатта, бу ҳужжатларнинг ҳам юзага келиши мамлакатимизда халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам ёшларга чуқур билим бериш бош мақсад қилиб қўйилди.

Ажабланадиган томони шундаки, тахриятимизга маълум қилишларича, Қорақалпоғистонда, Хоразм ва Наманган вилоятларининг кўпгина мактабларида ўтган қишда ўқув машғулотлари тўхтатилган. Сабаби, синф хоналари иситиш учун айни қиш авжига келиб жамғарилган кўмир тугаб қолган. Бундай нохуш воқеалар келиб чиқишига сабаб нима?

— Аввалари бу борадаги барча харажатлар марказлаштирилган маблағлардан олинар эди, - дейди Тошкент вилояти таълим таъминот корхонаси раҳбари Махмуджон Мирзаев. — Эндиликда мактабларни кўмир билан таъминлаш «Ўзбеккўмир» ва унинг ташкилотлари зиммасига юклатилган. Бунинг учун ҳокимиятлар кўмир учун маблағни ўтказиб беришади.

Бултур Тошкент вилояти мактабларига режа бўйича 42 минг тонна кўмир етиб бориши керак эди. Олинган кўмир эса 36 минг 623 тоннани ташкил этди. Мазкур йилда ҳам вилоят таълим муассасаларига 37 минг 360 тонна кўмир етказиб берилиши режалаштирилган. Шундан ўтаётган олти ой давомида 207 тонна кўмир олинган, холос. Бу эса олинадиган кўмирнинг атиги 6 фоизини ташкил этмоқда. Демак, вилоятда таълим муассасаларига қишга кўмир жамғариш аранг олти ойда — олти фоизга бажарилган!?

Тўйтепа темир йўл юк тушириш ва ортиш бекатида бўлдик. Бекат ходимаси Гулбаҳор Марасулова «Бекат қайд дафтари»ни кўздан кечириб 1998 йил учун мактабларга бир тонна ҳам кўмир тушмаганлигини таъкидлади. Маълум бўлдики, ушбу бекатдан олтита туман: Бўка, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Пискент, Ўрта Чирчиқ туманлари кўмир олишаркан. Демак, мазкур туманларнинг қишда кўмир билан иситиладиган мактаблари шу кунга қадар бир кило ҳам олишмаганлигига нима дейсиз?

Ўрта Чирчиқ туман халқ таълими бўлимига қарашли битта болалар боғчаси, 17 та мактабнинг синф хоналари қишда кўмир билан иситилади. Лекин бу ерга ҳам режалаштирилган 2 минг тонна ёқилғининг шу кунгача бир килоси ҳам келтирилмаган. Ҳолбуки, «Олтинкўмир» фирмаси билан йил бошидаёқ ўз вақтида келтириш ҳақида шартномалар мавжуд.

— Устига-устак ўтган йил учун тақсимланган 2 минг 180 тонна кўмирнинг асосий қисми сифатсиз эди, — дейди туман халқ таълими бўлимининг хўжалик ишлари гуруҳи бошлиғи Зулқайнар Сайфулин. — Шу боис айни қиш чилласида мактабларда ўқув жараёнларини боришини қийинлаштирди. Сифатсиз, кулга айланиб қолган кўмирни иссиқлик тармоқларига сув текинга бериб юбордик. Эсиз...

Нега бундай воқеалар содир бўлаётир? Шу ерда бир нарсага гувоҳ бўламиз. 1997 йилгача Халқ таълими вазирлиги тақдим этиб келган тақсимот бузилган. Чунки вазирлик тақсимотига асосан кўмир ортилган вагон тўғридан-тўғри туман халқ таълими бўлимлари номига ва уларга яқин бўлган темир йўл бекатларига борар эди. Ўшанда туман халқ таълими бўлими вакиллари вагонларни ўзлари расмийлаштирар ва ҳақиқий олинган кўмир ҳақи марказлаштирилган маблағ ҳисобидан тўланар эди. Сифатсиз кўмир бўлса, қайтариб юборилар ёки пули тўланмасди. Ҳозир эса аксинча... Пул олдин тўланадию, олинадиган маҳсулот эса сифатсиз. Бунга кўмир ўрнига ёнасизми ёки куясизми?..

Бундай мисолларни вилоятлардан келган телеграммалардан ҳам кўришимиз мумкин. Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р. Турсунов бундай ҳолатни қуйидагича ифодалайди: «Сурхондарё вилоят халқ таълими муассасаларига Шарғун кўмир ҳавзасидан келаётган кўмирлар ниҳоятда сифатсизлиги билан жуда норозилик туғдирмоқда. Юз фоиз қул бўлганлиги сабабли ишлатиб бўлмаяпти...». Ёки Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жуманиёзовнинг телеграммасида: «Ўтган беш ой давомида Хоразм вилоят халқ таълими муассасаларига кўмир жўнатилмади. Ҳадемай совуқ кунлар ҳам келиб қолади. Кўмир жўнатишингизни сўраймиз» деб билдирувлар беради.

Ўтган ўқув йили давомида кўмир йўқлиги сабабли қишнинг аёзли кунларида вилоятнинг бир қанча мактабларида ўқишлар тўхтатилади. Албатта бу чидаб бўлмас даражадаги ҳодиса эди. Бўлмасам кўмир билан масъул идоралар кўп бор иссиқ-илиқ кунларда огоҳлантирилган эди. Масалан, ўтган йил 7 июлида Наманган вилоят ҳокими ўринбосари Д. Дадажонова «Ўзбеккўмир» акционерлик жамиятининг бош директори А. И. Лелекога шу бугунгача 3000 тонна кўмир олинганлигини, қолган 53290 тоннаси қачон олинишини кутиб хат йўллаган эди. Ҳақиқатан ҳам барибир йил охиригача етарли кўмир етказиб берилмади. Натижада бу вилоятнинг айрим туманларида қаҳратон совуқдан ноилож ликдан ўқув машғулотларини тўхтатишга тўғри келинган эди.

Мана қўлимда ҳали сиёҳи қуримаган хат. Уни халқ таълими вазири ўринбосари М. С. Султонов «Ўзбеккўмир» акционерлик жамияти бош директори номига ёзган. Тизимда ўтган йиллардаги камчиликлар бу йил ҳам юз бераётганлиги ҳақида ёзади. Ачинарлиси, яна тағин, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти халқ таълими муассасалари шу кунгача бир тонна ҳам кўмир олмаганлигига тўхталади. Пировардида бошқа вилоятлар эса атиги 15-28 фоиз атрофидаги 1998 йилги кўмирларини олганлигини таъкидлайди. Кўриниб турибдики, бу борадаги ишларни тезлаштирмаса таълим муассасаларида йил бошидаги ҳолатлар яна қаҳратон аёзда такрорланиши мумкин.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўрсатмалар бўйича 15 сентябргача барча халқ таълими муассасалари кўмир билан таъминланиши керак, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим таъминот» бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидов. — Аввалари бу иш билан бизнинг бошқарма ҳам бевосита шуғулланар, қилинган ишга бор йўғи 2 фоизгина ҳақ олардик. Бугун эса «Ўзбеккўмир»даги ташкилотлар 20 фоиз улушини олишади ҳамда бу борадаги қилинаётган ишларига кўнгил тўлмаётир. Яна сифатсиз кўмир таълим муассасаларига жўнатилаётганлигига нима дейсиз?

Бундай юз бераётган воқеалардан тўғриси ҳайратимиз янада ошди. Ахир эртамиз бўлмиш ўқувчилар ва уларга таълим-тарбия беришаётган мураббийларнинг айби нимада? Уларнинг қаҳратон қишда ҳам эркин ўқиш-ўрганишларига кўмир билан боғлиқ оддийгина шароитни ҳам яратиб беролмаганларни қандай тушуниш мумкин. Шундай ҳам газ бормаган чекка қишлоқларгагина кўмир керак. Иккинчидан ўша қишлоқларнинг фарзандлари биз истаймизми, йўқми кун илигандан далага, ишлашга ошиқишади. Ана шундай кезларда даладан дарсга чопаётган болакайларни ўйланг! Улар ҳам ўша юртнинг келажаги деган хаёллар оғушида Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига сим қоқдим.

— Ҳар ҳафтада «Ўзбеккўмир» акционерлик жамияти бошқарувига телеграмма бераман. Илтимос, сифатли кўмир юборинглар, деган мазмунда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Анвар Бекмуродов. — Ўтган йили учун режалаштирилган 35 минг 100 тонна ўрнига 26 минг 231 тонна кўмир олинган. Шундан ҳам 20-30 фоизи сифатсиз, ишлатишга яроқсиз кўмирларни келтирилган. Ишлатишга яроқсиз кўмирларни ғишт заводларига бериб юбордик...

Биргина телефон орқали яна шунча ғап-сўзларга эга бўлдик. Хуллас, соҳада муаммолар талай тўпланиб қолибди. Таълим муассасаларининг истаган кишисидан бу борада сўрасангиз, ҳасратидан чанг чиқаётгандек. Бунга ёнасизми, куясизми?

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

хуллас, фикри ожизлиги бирёқламаликни юзага келтиради. Одамларга, жамиятга, қилаётган ишига ишонч бўлиши учун аввало киши шахсининг ўзидан ўзига ишонч бўлиши лозим. Бунинг учун у жамиятнинг тегишли ўзига хос тарбия механизми орқали тарбияланган бўлиши лозим. Мамлакатимизда тарбия соҳаси билан бевосита шуғулланувчи ўнлаб мутасадди ташкилотлар (халқ таълими тизимида, меҳнат жамоаларида, маданият тармоқларида ва бошқалар) мавжуд. Лекин уларнинг иш сифати оширилмас экан ижобий поғонага кўтарилиши қийин масала бўлиб қолаверади. Оқибатда бундай кучсиз, ноаниқ мафкуравий фикрлаш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсирини кўрсатади.

Маълумки, бугунги тараққиётимизни бозор иқтисодиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада жуда кўплаб хусусий корхоналар юзага келди. Ва афсуснадоматлар билан айтиш мумкинки, кўпчилиги дастлабки қадамлардаёқ «синди»лар. Нега, деган савол туғилади. Улардаги ўта бирёқлама фикрлаш, фақатгина, қандай йўл билан бўлсада бойлик тўплаш фикри халқ манфаати билан ҳисоблашмаслик, ваъда бошқа-ю, амалда ўзгача ҳаракат, бошқаларда уларга нисбатан ишончсизликни юзага келтирди. Бу табиий ҳол. Шунинг учун ҳам бу борада ва умуман ишончсизликка йўл қўйиб бўлмайди. Негаки, тарихдан маълумки, ишончсиз кишиларга масъулиятли ишларни топшириб бўлмайди. Айниқса давлат миқёсида давлат , оила миқёсида оила сирларини томомила ишониб бўлмайди. Ишончсиз савдогардан мол сотиб олиб бўлмайди, балки у ўғирланган молдир. Ишончсиз қоровул ўғридан ҳам хавфли, чунки, ўғри бир ўғирласа у (қоровул) ҳар куни ўмаради. Ишончсизлик кўнгилларга ғулғула солади, кишиларнинг хотиржамлиги бузилади.

Шуни унутмаслик керакки, ишонч одамлар кўрки, лекин у ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Уни сақлай билиш керак.

Сақлашнинг эса йўли битта. Бу тарихан исботланган йўл тўғрилик ва ҳалоллик. Улар ишончнинг асосий ҳамроҳларидир.

Шундан кўриниб турибдики, мустақиллик, демократия, эркин ривожланиш дегани бу анархия, бошбошдоқлик, кўнгли тусаган ҳар қандай номаъқулчиликни қилавериш, халқнинг ишончини поймол қилиш дегани эмас. Мустақиллик — эзгу бир мақсадни — халқни рўшноликка томон етаклашни, улардаги эзгу-умидларга етишнинг ишонч кўпригини мустаҳкамлашни ва ривожланган мамлакатлар жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини амалга ошириш имкониятларини вужудга келтириш манбаидир. Бу манбанинг узвийлигини, барқарорлигини таъминлаш эса халқ ишончидир. Мустақиллик кишилардаги индивидуал ишонч руҳини ижтимоий тараққиёт даражасига кўтаришга томон етаклайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Миллий ғурурни, миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган мустақилликдир, биз ватандошларимиз онгига мустақилликнинг қадрига етиш, унга бўлган ишонч тушунчаларини сингдиришимиз лозим», — деб таъкидлайди.

3

Миллат ва маънавият

Дарҳақиқат, келажаги буюк давлатни, шарқона демократик, адолатли давлатни қуришга бўлган ишончнинг кишилар онгига сингиши бугунги кунда амалга оширилаётган, мамлакатимиз учун жаҳоншумул салоҳиятга ва аҳамиятга эга бўлган улуғвор ишлар билан мустаҳкамланмоқда. Ҳақиқатан ҳам мустақилликнинг дастлабки қадамлари давридаги ҳолатга нисбатан юртбошимиз эътироф этганларидек «ҳозирги пайтдаги вужудга келаётган ишонч аччиқ таъна ва дашномларнинг ўрнини қоплаб кетмоқда». Негаки, халқимиз мустақиллик шабадаларининг асл насимига тушуниб етдилар, ундан эркин, тўйиб нафас олиш имкониятига эга бўлдилар.

Юзага келаётган ишонч ўз навбатида кишилардаги қатъиятлилик ва эътиқодни вужудга келтиради. Табиийки, қатъиятсиз ва эътиқодсиз киши жамиятда, умуман ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Бу индивидуал шахс мисолида. Агар у жамият даражасига кўтарилсачи? Унда нима бўлади? Ундай жамиятнинг ҳам келажаги йўқ. Шунинг учун ҳам мустақил жамият келажагини порлоқ истиқболда кўриш, таъминлаш кишиларнинг, бутун жамият аъзоларининг ижтимоий тараққиётга бўлган ишончининг қўламига бевосита боғлиқдир.

Ижтимоий тараққиётга бўлган ишонч ўз навбатида Ватанга, юртга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Ватан туйғуси кучли бўлган кишилар барча жабҳаларда ўзларининг устунликларини намоён этадилар. Шу жумладан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам. Зеро, бугунги кун маънавият соҳасидаги долзарб муаммолардан бири, пойдевори мустаҳкам жамиятни қурувчи ёшларни келажагига ишонч руҳида тарбиялашдан иборатдир. Чунки, бугунги ёшлар келажаги буюк давлатнинг теран томирларидир.

Табиийки, ёшлар бундай тарбияни биринчи навбатда оилада оладилар ва уларни давлат муассасаларида мустаҳкамлайдилар.

Шунинг учун ҳам ёшларнинг қалбида дастлаб пайдо бўлувчи ишонч уруғларини ота ва оналар сепади. Демак, ота-оналар ҳам ўзларида ишонч руҳларини сингдирган бўлишлари талаб этилади. Ўз фарзандининг ижобий келажагини ўйлаган ҳар бир ота-она фарзандларига ишонч тимсоли бўлишлари лозим. Негаки, қуш уясида кўрганини қилади.

• Мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳада ишончни мустаҳкамловчи асосларга эгадир. Негаки, мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги қисқа муддатда неча ўн йилликларга татигулик қўламда муваффақиятлар ўзлигини кўрсатадики, бу албатта мамлакатимиз тараққиёти ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради. Ишончли тараққиёт ва турли миллат вакилларидан иборат халқимизни келажагига комил ишонч руҳида уйғунлаштириш бизнинг муқаддас мақсадимиздир.

Ўрол АБИЛОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

4

Таҳририятимиз меҳмони



Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, уни бутун дунё тан олди. Ўзўзидан маълумки, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга хорижликларнинг ҳам қизиқиши ортиб бормоқда. Бунда албатта оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс.

«Ўзбекистон овози» ҳам ана шундай умумсиёсий газеталардан биридир. Кейинги йилларда унинг хорижлик мухлислари кўпайиб бораётир. Айниқса, мамлакатимиздаги чет эл элчихоналарининг ходимлари газетани ўқиш билан бирга таҳририят фаолиятига ҳам қизиқиш билан қарашяпти. Шу боис таҳририятга ташриф буюришяпти.

Яқинда таҳририятга яна бир меҳмон ташриф буюрди. Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот ва маданият ишлари бўйича биринчи котиби Виней Кватра таҳририятга келди. У газета жамоасининг кундалик фаолияти билан танишди.

Газетанинг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Азим Суюн меҳмонга «Ўзбекистон овози»нинг тарихи, бугунги кундаги долзарб вазифалар, ёрқин келажак ҳақида гапириб берди.

Виней Кватра эса самимий қабул учун таҳририят жамоасига миннадорчилик билдириб, бундай деди: «Биз мамлакатингиздаги энг машҳур отахон газета — «Ўзбекистон овози»ни яхши биламиз. Гарчи ўзбек тилини тушунмасак-да, ажойиб таржимонларимиз унинг ҳар бир сатрини бизга ағдариб беришади. Юртингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришидан, маънавий жиҳатдан баркамол авлод етиштириш борасидаги хайрли ишлардан газетангиз орқали хабардор бўлиб турибмиз. Айниқса яқин ва узоқ хорижда бўлаётган ўзгаришлар газетада яхши ёритиляпти. Биз ҳатто ўзимизнинг Ҳиндистонимизда бўлаётган воқеаларни ҳам газетангизда босилган тезкор хабарлардан биламиз. Бунинг учун таҳририятингиз жамоасига ташаккур»

Ҳабиб ҲАЙДАР
***
Даврон АҲМАД
олган сурат

Жаҳон кезган юрт қадрини билар

Дунё кезган ўз юрти салоҳиятини теранроқ англаб етади. Айниқса, жаҳоннинг ривожланган давлатларининг юксалиш тарихига назар кишини дунёни кенг тафаккурлашга ундайди. Яқинда биз Кореяда бўлдик.

Сеул аэропортида бизни КОЙКА (Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги) вакиллари самимий кутиб олдилар. Кун тартибида аввал семинар, сўнгра мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш объектлари билан танишиш режалаштирилган эди. «Корея иқтисодий ривожланишида давлатнинг ўрни», «Кореянинг молиявий инқирози ва унинг сабоқлари», «Кореянинг иқтисодий ривожланишида саноат ва савдо сиёсати» каби мавзулар юзасидан қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди. Шу билан бир қаторда мамлакатнинг тарихий ёдгорликлари, маданияти ва санъати йирик ишлаб чиқариш заводлари, жумладан, «Самсунг электроникс», «Хундай» кемасозлик ва автомобиль заводлари фаолияти билан яқиндан танишдик. Бизни ҳайратга солган яна бир муҳим объект бу «Хундай» кемасозлик заводи бўлди. Умуман Корея Республикаси саноати кейинги йилларда асосан машинасозлик ва электроника саноатини ривожлантиришга қаратилган.

1963 йили саноат соҳасидаги етакчи тармоқлардан бири тўқимачилик бўлиб, умумий саноат улушининг 19,5 фоизини ташкил қилган бўлса, 1996 йилга келиб бу кўрсаттич 9,9 фоизга камайган. Машинасозлик саноати дастлаб 2,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 1996 йилга келиб бу кўрсаткич 8,9 фоизга; электроника ва электр машинасозлиги 2,4 фоиздан 14,9 фоизга қадар, оғир ва кимё саноати эса 20,5 фоиздан 51,4 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин.

Кўриниб турибдики, Кореяда асосан машинасозлик, электроника ва оғир саноатга катта эътибор қаратилган. Оғир ва кимё саноатининг ривожини экспорт ҳажмининг ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан оғир ва кимё саноати маҳсулотлари экспорти 13,7 фоиздан 68,4 фоизга қадар ўсган. Шу тариқа Корея иқтисодиётида катта таркибий ўзгаришлар рўй берди. Агар 1965 йили ялпи миллий маҳсулот киши бошига 105 $ ни ташкил қилган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 10000 АҚШ долларига кўтарилди. Бу даврда қишлоқ хўжалиги улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 38 фоиздан 7 фоизга камайиб кетди. Умумий экспорт ҳажми эса 0,2 млрд $ дан 123 млрд долларга ортди. Бунинг 70 фоизи оғир ва кимё саноати улушига тўғри келади.

Ушбу рақамлар Корея иқтисодиётида қисқа давр ичида катта ўзгаришлар рўй берганлигидан далолат бериб турибди. Ялпи миллий маҳсулот 1995 йилга келиб 150,6 баробарга, аҳоли жон бошига ҳисобланган даромад эса 616 баробарга ортганлигидан далолат бериб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, Корея Республикаси «Осиёнинг йўлбарси» деган номни олиш учун салкам 30 йил ҳаракат қилди. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда Кореяда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, арзонлиги ва рақобатбардошлиги билан дунёга машҳур.

Хўш мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари бизда аҳвол қандай эди?

Ялпи ички маҳсулот 1993 йили 5112,5 млн. сўмни, ўсиш суръатлари эса 3,4 фоизини, чет эл мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси (МДҲ мамлакатларисиз) 1893,2 млн. долларни шу жумладан экспорт 919,2, импорт 980,0 млн. долларни ташкил этганди. Ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши эса 1991 йили 32 фоизни, экспорт улуши 26 фоизни, сармоя ҳажми эса 29 фоизни ташкил қилган.

Бундан ташқари Марказий Осиё Республикалари орасида Ўзбекистон катта иқтисодий қудратга эга бўлиб, саноати, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг кўпгина кўрсаткичлари жиҳатидан ажралиб туради. Айниқса, мўл-кўл табиий ер ости бойликларига эга. Демак, мустақил Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳолати Корея Республикасининг дастлабки даврига нисбатан бир неча марта юқори ҳолатдадир. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бугунги кунда Асакада барпо этилган «ЎзДЭУавто» корхонаси, «Қоровул бозор нефтни қайта ишлаш заводи», «Қобул-Тўйтепа-Текстил» ва бошқа кўплаб корхоналар телевизор, видеомагнитафон ишлаб чиқариш, алоқа тармоқларини такомиллаштиришда самарали ишлар қилинмоқда.

Ўта қисқа муддат ичида Асака шаҳрида энг янги технология ва машина-ускуналар, жумладан, ҳозирги собиқ иттифоқдаги бирорта давлатда қўлланилмаётган техник роботлар билан жиҳозланган замонавий автомобилсозлик заводи бунёд этилди. Воҳадаги кўпгина корхоналар Асака заводининг буюртмаларини бажариб, моддий жиҳатдан ўз имкониятларини мустаҳкамламоқдалар. Автомобилсозлик саноати учун бутловчи ускуналар ва деталлар тайёрланадиган шаҳобчаларда 50 мингдан зиёд янги иш ўринлари барпо этилмоқда.

Юқорида баён этилган фикрлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда қисқа муддат ичида ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугун иқтисодий ислоҳотлар самараси меваларини халқимиз ўз ҳаётида тобора кенгроқ ҳис қила бошлади.

Корея Республикасига қилган сафаримиз чоғида биз юртимизда бу жабҳада жуда катта ишлар олиб борилаётганини чуқур ҳис этдик ва унинг эртаси порлоқ бўлишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Низомиддин СИДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Бош вазир билан учрашди

Бельгиянинг таниқли жамоат арбоби Карл Кок Қирғизистон бош вазири Кувончбек Жумаалиев билан учрашди. Унда Бельгия жамоат ташкилотлари томонидан табиий офат туфайли зарар кўрган қирғизистонликларга ёрдам бериш, сариқ касали, сил ҳамда қон-томир касалликларига қарши курашни мувофиқлаштирувчи марказ очиш тўғрисида ҳам гап борди. Бундан ташқари, республикага сармоя жалб қилиш борасида ҳамкорликда техник марказ тузиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Касаллик кўпаймоқда

"КАЗААГ" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Қозоғистонда жорий йилнинг тўрт ойи ичида 21,4 минг нафар кишининг сариқ касалига чалингани қайд қилинган. Ушбу рақам 1997 йилнинг январь-апрель ойларига нисбатан 1,8 маротаба кўпдир. Бу касаллик, айниқса, Қизил Ўрда, Алмати, Жамбул, Мангистов вилоятларида авж олган.

Саҳифа материаллари ЎзА ҳамда хорижий матбуот манбалари асосида тайёрланди.

Йўллар дунёни бирлаштиради



Чарм тўп ўтмишидан

Бир неча йил муқаддам Эгей денгизининг Самофрекия оролида чарм тўпнинг эрамиздан олдинги 2500 йилга мансуб бўлган энг қадимги тасвири топилди. Сопол тахтакачга ўйиб солинган бу тасвирдан кўриниб турибдики, ўша замонларда ҳам баскетбол ва футбол ўйинларига ўхшаш тўп ўйини бўлган. Бундай ўйинларни қадимги греклар жуда яхши билишган. Қадимий бу тўп ҳам ҳозирги тўплар сингари чармдан ясалганлиги кўриниб турибди.

***

Футбол ўйини Европада XIV асрда шуҳрат қозона бошлади.

Англия қироллари Эдуард I ва Эдуард III сарой амалдорларини «қандайдир бўлмағур тўп» тепиш билан қизиқиб, ўқ-ёй отишни унутаётганликлари учун бу ўйинни таъқиқлаб қўйишган эди.

***

Англиянинг Шеффилд шаҳрини «футбол шаҳри» деб аташади. Дарҳақиқат, футбол ўйини қоидаларига доир бир қанча янгиликлар шу шаҳарда биринчи марта қўлланган.

Бурчакдан тўп тепиш, судьянинг ҳуштак чалиши футбол тарихида биринчи марта шу ерда расм бўлди. Илгари дарвозанинг устки штангаси ўрнида ҳизмат қилган арқон биринчи марта ёғоч билан алмаштирилди.

***

Узоқ вақтларгача дарвозабонлар ўйин вақтида тўпни қўл билан ушлашлари мумкин эмасди. 1871 йилда бу усул бекор қилиниб, дарвозабон тўпни фақат дарвозадагина қўл билан ушлашга ҳақли деб келишилди. Ниҳоят, 1912 йилда дарвозабонга тўпни жарима майдони ичида ҳам қўл билан ушлашига рухсат этилган.

Жонли «экспонат» ардоқда

Хитойнинг Хубэй вилоятидаги Ухань ҳайвонот боғида дунёдаги энг кекса — Дуду лақабли айиқ яшайди. «Ҳозир дудунинг ёши 36да. Лекин унинг аҳволи, аниқроғи, «кайфияти» чатоқ. Чунки, Дуду ёзни, иссиқни кўтараолмайди. Шунданми, ҳайвонот боғи маъмурияти «ноёб экспонат»ни асраш мақсадида унинг хонасига бир нечта шамол совутгич, каттакон муз «тоғ»ни ўрнатишга мажбур бўлди.

Ҳозирча «қария» шундай усулда иссиқдан жон сақлаяпти.

Илк бор аёл киши ўлим жазосига ҳукм қилинди

Филиппинда илк маротаба аёл киши суд томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинди. Жозефина Эспарас 1994 йилда Гонконгдан Манилага 20 килограмм қора дори олиб келаётганда полиция томонидан аэропортда қўлга олинган эди. Айнан шу воқеадан бир неча кун аввал эса мамлакатда Конгресс томонидан ўлим жазоси кучга киритилганди. Ўтган бир неча йил мобайнида бу жиноятчининг айбини енгиллатувчи бирор чора топилмади. У 1995 йилдаги илк суд ҳукмидаёқ мазкур жазога лойиқ кўрилган эди.

Филиппинда ҳозирга қадар 600 жиноятчи олий жазога ҳукм қилинган.

Чегарадан ўтаётиб...

7 нафар албан миллатига мансуб косоволик қочқин Чехия — Германия чегарасидан ўтаётган вақтда ҳалок бўлди. Хабарларга қараганда, чегарадан ўтказиб қўймоқчи бўлган микроавтобус ҳайдовчиси немис чегара патрулидан қочишга уринган. Оқибатда соатига 120 километр тезликда кетаётган микроавтобус турар-жой биноларидан бирига урилди.

Чехия — Германия чегарасидан ноқонуний ўтишга уриниш биринчи марта юз бераётгани йўқ. Сўнгги бир йил ичида чегара постларида Ғарбий Европага ўтишга урингандардан 6 минг киши ушланган. Буларнинг қарийб 2 минг нафари собиқ Югославия фуқароларидир, деб хабар беради РАТАТАСС ахборот маҳкамаси.

Денгиздаги бахтсиз ҳодиса туфайли

Ҳиндистонга денгиз орқали ноқонуний равишда ўтмоқчи бўлган 47 нафар Шри-Ланка фуқароси бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлди. Воқеа Тамилнад штати қирғоқларидан 15 километр узоқликдаги очиқ денгизда юз берган. Фожиага гувоҳ бўлган ҳинд балиқчилари одам қўлгидан ағдарилиб кеттан қайиқдан фақаттина 5 кишини қутқаришга муваффақ бўлган.

Чегарани бузганлар Тамил айирмачилари ва ҳукумат армияси ўртасида давом этаётган жанглардан қочиб келаётган эди.

Аксириш хосияти

Ҳеч эътибор қилганмисиз: акса урганда бутун тана яйраб, енгил тортади киши. Баъзан қаттиқ аксиришдан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса рўй бериши ҳам мумкин. Албатта, тумов бўлиб пиқиллаб кетма-кет ҳап-шулашнинг йўли бошқа.

Швед Гуран Рудольфеан бир куни шунақанги чучкирдики, ярим йилдан бери битган бурни очилиб кетди.

Кўзбойлағичнинг айтишича, ярим йилча илгари унинг бошини операция қилишган экан. Жаррох ишини тамомлай туриб, жароҳатга босилган «тиқма» докасини унутиб қўйганмиш...

Хосиятли аксириш Гуранни шундай ортиқча «мато»дан қутқазди. Ҳаммаси яхшику-я, бу воқеадан хабар топганлар «ёпирай» дейиши аниқ. Фақат сал хавотирли томонилм борда. Айтайлик, жарроҳлар «ия, жазоси бир аксириш экан-ку» дея энди каттароқ матоҳларинилм ҳеч ўйламай миямизда, қорнимизда қолдиришга одатланишса-чи?! Буёғига бир чучкуришнинг кучи етармикан? Бу ҳозирча фанга, йўқ-е, жарроҳларгаям жумбоқ.

Саида ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 4 avgust, seshanba № 91 (22.328).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Шоҳимардон халоскорлари

Ардоқли оромгоҳга даҳшатли офат хуруж қилган ўша ташвишли тундан бехабар бўлганим боис эрта тонгда Водил оромгоҳига йўл олгандим. Фарғонадан чиқишдаги чорраҳада бир гуруҳ милиция пости йўлимизни тўсди.

— Орқага қайтинглар, кўприкларни сув олган, машина тугул пиёдага ҳам йўл йўқ!

Иложини топиб йўлга равона бўлдик. Шоҳимардон тобе бўлган Фарғона тумани маркази бўлмиш Водилга етганимизда воқеа ойдинлаша бошлади. Туман ҳокимлиги маҳкамаси, унинг ҳовлисию кўчаси югуриб елаётган ташвишли одамларга тўла, телефонлар бир-бирига навбат бермай жиринглайди.

Кўп уринишлардан сўнг дастлабки вазият билан ошно бўлдим. Тоғлар қўйнидаги Ойдин кўл музлигининг музқуртлари саратон жазирамасига бардош беролмай, жойидан қўзғалиб, сув бўлиб пастга тушибдида, ирмоқларни ҳамроҳ қилиб дайди дарё бўлиб чанг-тўзон кўтарилиб, кутилмаганда даҳшатли тўлқин ҳосил қилиб тоғ харсангларини думалатиб, дуч келганни қўпориб , Шоҳимардонга йўл бошлабди. Кейин Оқсув , Кўксув дарёлари билан бирлашиб, тўсиқларни синдириб, дов-дарахтни кўчириб, дам олиш уйи, чойхонаю савдо дўконларини оқизиб кетибди.

— Одамлар, болалар тақдири... қурбонлар сони?..

— Мудҳиш хабарлар келяпти, аммо аниқ маълумот йўқ.

Маълумот тўпловчи штабчилар орасида ҳар хили бор эди. Мен дуч келган штабчи «қутқарилди... қутқарилди...» лардан гапириб, даҳшат билан девдай олишиб, болаларни қутқариб қолган жасоратли одамлар ҳақида гапирди.

— Анваржон Тешабоев! Ана сизга қаҳрамон! — деди-да, мамнунланиб қўшиб қўйди: — жасорати нақд бир достон!

«Ёш алоқачи» болалар оромгоҳнинг бошлиғи Анваржон Тешабоев ўша ҳалокат тунида ҳақиқий жўръат, шижоат ва жасорат кўрсатибди. Бунинг тафсилотини унинг ўз оғзидан эшитинг:

— Ярим кеча, аниқроғи, тунги соат 23.30... Шоҳимардоннинг Ёрдон қишлоғида жойлашган «Ёш алоқачи» болалар оромгоҳида осойишталик. Осмон мусаффо, юлдузлар чарақлаб кулиб боқмоқда. Оймомо ҳам чеҳрасини очиб, тўрт томонга шуъла сочиб турибди. Не бўлдики, тўсатдан ойнинг юзи ниқобланди, юлдузлар зимистон ортида қолди, йилт этган учқун кўринмайди. «Дарахтлар остида ҳангманг туриб эдим, оёқларим остида муздек илон ғимирлагандай бўлди. Эгилиб қарасам илон эмас, муздек сув... ўзимни ўнглагунимча оёғим остидаги ер силкина бошлади. Нима бўляпти ўзи? Тепамга девлар келаётгандай. Нима у? — дедим ўзимга ўзим. Болалар жойлашган юқори томондан гўё баҳайбат алвастилар келаётгандай бўлди-да юрагимни ваҳима босди. Беихтиёр «Тошқин-ку!» деб қичқириб юбордим. Овозимни ҳеч ким эшитмади. Болалар ухлаётган уйлар ҳалокат ёқасида эди...

Анваржоннинг ҳикояси шу жойга келганда тўхтаб қолди, ҳаяжондан нафаси ичига тушиб кетгандай бўлди. Тушундимки, Анваржон бу воқеа тафсилотини тўла-тўкис айтишга ожиз эди. Буни ўзим аниқлаб олдим. Унинг ҳалокат ёқасидаги шижоати, матонати ҳақиқий жасорат эди.

Анваржон Тешабоев дарҳол ухлаб ётган болалар ётоқхоналарига ташланади, эшикларни катта очиб, «қочинглар, қочинглар! сув босяпти...» деб қичқирди. Ширин уйқудаги болалар хавф-хатарни сезмай баъзилари хуррак отиб, айримлари пишиллаб нафас олиб ухламоқда эди. Анваржон калтак олиб каравотларга ура бошлади. Калтак учи теккан кроватлардаги болалар сапчиб туриб хоналарига сув кираётганини кўргачгина, яп-ялангоч ҳолатда эшикка югурдилар. Эшиклардан кираётган сув уларнинг йўлини тўсди.

Анваржон таёқ билан уйларнинг тепа томондаги орқа деразаларини синдира бошлади. Ҳаял ўтмай, оромгоҳнинг хизматчилари, тарбиячи, ошпаз, фаррошлар унга ёрдамга келдилар-да, сувда қолган болаларни орқа деразалардан ташқарига ирғита бошладилар. Анваржоннинг бир ўзи тўққиз болани қучоқлаб деразадан олиб чиқди. Бир зумда уйлар сувга тўлди, эшик-деразалар, ҳатто электр симёғочлари сув остида қолди. Анваржон, билдики, ҳалокат даҳшатидан шунча болани қутқариб қолиш осон эмас, аммо улар қутқаришлари керак эди ва қутқариб олдилар. Кийим-кечаклари лойга ботган Анваржон ва унинг ходимлари ялангоч болаларни тепаликка чиқариб олдилар.

— Шеригим йўқ!... ўртоғим йўқ!.. — деб қичқирди бир бола.

— А?!

Сув шовқинида ҳеч нарсани эшитиб бўлмасди. Анваржон болаларни бирма-бир санаб чиққач, икки бола камлигини билиб сув босган хоналарга югурди. Икки бола деразага ёпишганича сув босимига бардош бериб додлаб турарди, аммо уларнинг товуши ўзидан нарига етмасди. Анваржон уларни икки биқинига қисганича сувдан сузиб тепаликка аранг чиқиб олди.

— Қаёққа борамиз?

— Тепаликка! Фақат тепаликка!

Тепалаб бориб улар Ҳамза Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги мол фермасининг молхоналарига дуч келдилар. Уйқудаги молбоқарлар ялангоч саратонда ҳам совуқда дийдираган бола бечораларни ўз ўриндиқларига, очиқ ва ёпиқ ферма хоналарига жойладилар.

Ана шундай қилиб «Ёш алоқачи» болалар оромгоҳидаги ёзги дам олаётган жами болалар қутқариб қолинди.

Ўша куни Фарғона туманининг жами аҳолиси қутқарувчи бўлиб ҳалокат майдонига чиқди. Зудлик билан Тошкентдан келган ҳукумат комиссиясининг даъватига жавобан теварак-атрофдан автомобилчи, сув ости қидирувчилари кела бошладилар.

Шоҳимардонсой дарёсининг соҳилида ҳалокатдан сақланиб қолган чойхонанинг баланд сўрисида дам олиб ўтирган эдик, бир неча аскар йигитлар кириб келдилар. Қўлларида турли-туман қутқарув қуроллари: бирида санчқич, иккинчисида қисқич, учинчисида тўр тутилган қопқон, бошқаларида сувга чўкмас қолқонлар. Тушундим: улар сув остида чўкканларни қидириб топувчилар, сувда оқаётганларни қутқарувчи ва ўликларни қирғоққа тортиб олувчи аскарлар эдилар. Уларнинг руҳияти таранг, юзлари ҳорғин, кўзлари ғамгин эди. Билдимки, уларнинг устига мусибат алами юк бўлиб тушган. Ҳар қанча жисмоний юкни ҳам кўтариб, тоғни талқон қила олувчи қудратли йигитлар мусибат юкидан вазмин тортиб ичдан бениҳоя қайғуда эдилар.

Аскар дардини аскар билади деганларидай, мен уларнинг ҳолатини тушундим-да, бизга келтирган бир лаган паловни уларнинг олдига элтиб қўйдим.

Бироздан кейин шўрва етиб келди. Ҳимматдан миннатдор аскар йигитлар бизга ҳам қўшни товоқ қайтардилар. Аскарлар шўрвасидан биз ҳам баҳраманд бўлдик.

Иброҳим РАҲИМ,
Шоҳимардонсой дарёси соҳили
июль, 1998 йил.

Осиё чемпионлари

Пойтахтнинг армиячилар спорт мажмуида самбо бўйича ўтказилган Осиё чемпионати иқтидорлар кўпайиб бораётганини кўрсатди. Мусобақада Мўғулистон, Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг 200 нафардан кўпроқ спортчиси чемпионлик учун баҳслашди. Юртдошларимизни У. Аҳмедов, О. Ҳайдаров, А. Йўлдошев каби тажрибали мураббийлар мусобақага ҳозирлашган эди. Баҳслар спортчиларнинг ёшларига мувофиқ гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилди. Ёшларнинг ўзаро беллашувларида вакилларимиз бешта олтин медалли бўлишди. Ўсмирлар ҳам бўш келишмади. Улар учта олтин медаль билан жамоамиз мавқеини мустаҳкамлашга ҳисса қўшдилар. Зеро, катталарнинг қуролсиз ўзини ҳимоя қилиш усули, яъни самбо бўйича астойдил маҳорат кўрсатишгани мухлису мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Қизғин ва муросасиз баҳсларда Шуҳрат Хўжаев, Фарҳод Хўжанов, Акобир Қурбонов, Ботир Хўжаевлар вазнларига кўра ғалаба қозониб, Осиё чемпиони номига сазовор бўлдилар. Катталарнинг бешинчи олтин медали вазни 100 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида ўзини кўрсатган Б. Ҳасановга насиб этди.

Биринчи бўлишди

Тошкентда каратэ бўйича Марказий Осиё кубоги учун биринчи марта ташкил этилган мусобақа кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Мусобақада фақат Ўзбекистондан 200 нафар каратэчи иштирок этди. Катта мураббий Хўжамқул Хўжақуловнинг шогирдлари беллашувларда ўзларини кўрсатишди. Жумладан, акаука Ҳусниддин ва Фазлиддин Сапиевлар, Бахтиёр Розиқов, Баҳодир Исматуллаев, Жасур Жамилов, Отабек Қосимов, Илҳом Каримов, Сайидазиз Бурҳонов, Ботир Мардонов. Азамат Қаландаров, Ренат Қутуевлар турли чиқишлар бўйича жами 44 та медаль соҳиби бўлиб жамоамизни биринчи ўринни эгаллашларини таъминладилар. Қозоғистонликлар тўққизта медаль билан иккинчи, қирғизистонликлар учта медаль билан учинчи ўринни эгаллашди.

Спорт

Ҳуқуқшунослар спартакиадаси

Наманганда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари спартакиадаси ўтказилди. Иккинчи марта уюштирилган бу мусобақада сузиш, мерганлик, енгил атлетика, теннис, волейбол ва шахмат бўйича баҳслар бўлди. Бир ҳафта давом этган спартакиадада республика Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Вилоят ички ишлар ва давлат солиқ бошқармалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Улгурибди

Китоб дўконларига тез-тез кириб турадиган одатим бор. «Тарки одат амри маҳол» деганларидек, баъзида дўкондан қуруқ чиқиб кеттим келмайди. Янги номдаги китоблардан харид қиламан. Лекин баъзи китобларни ўқий бошласам «мазасиз» нарсалар кўплигидан, бир пулга қиммат эканлигини англаб, куюнаман. Сарф қилган пулимга ачиниб, пистафурушларга арзон гаровга сотиб юборгим келади. Ҳа, энди бозорчилик, яхши ном қолдириш илинжида миллионерлар ўз ҳисобидан, аллақачон қуриб қолган чўпни зора гулласа, деб экаверганда китоб бўстонига, дея ўзимга тасалли бераман.

Бу гал ҳам минг бир хаёл билан китоб харид қилдим. Тўғриси, аввал варақлашга чўчиброқ турдим. Оқ гулда фол кўраётган телба ошиқдек, кўзимни чирт юмиб, учраган саҳифани очдим. Чала думбул қилиб ҳажвни ўқий бошладим. Йўқ, бошидан бошлаш керакка ўхшайди. Нимадир бор!

«Ёзинг ука, ёзинг», гўё менга ундаётгандек. Ҳаётда оёғи қолиб тили билан юрадиганлар сероб. Айнан ўшалар ҳақида, аммо ўзига хос услубда. Шу тариқа китобни шинак бузмай ўқиб чиқдим. Тўғри, мўъжазгина китоб ичидаги митти-митти ҳажвлар орасида ҳинд киноларига ўхшаб кетадигани ҳам йўқ эмас. Яъни, бошидан жиндак кўрсангиз, дарров кароматчига айланасиз, нима билан тугалланишини бехато айта оласиз. Хайриятки, Абдураҳим Махсумовнинг «Турмуш ҳангомаларн» («Чўлпон» нашриёти, 1998 йил) китобида «ҳиндчаси» бармоқ билан санарли, қолгани сизга ҳам хуш ёқади, бу аниқ. Энг қувончлиси, сарф қилган пулимга бу гал ачинмадим.

Лекин кўнглимда бир нарса ғимирлагандек бўлганини айтмасам бўлмас: баъзи ҳажвларидаги воқеалар камнани ҳам ўйлантириб юрарди. Масалан: «Турлариш» — бугунги кунда пулни кетидан қувган шоввозлар, яъни тилла тутса эшакни тоға дейдиганлар қўйнинг қумологидан ҳам кўп. Аммо ўйчининг ўйи биттунча таваккалчининг иши битаркан, начора, Абдураҳим Махсумов улгурибди.

Азиз мухлис! Келинг китобга киритилган ҳажвлардан, хамир учидан патир, деганларидек, бир-иккисини ўзингиз ҳам ўқиб кўринг, сизга ҳам маъқул келишига шубҳа йўқ.

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

Китоб — содиқ дўст

Дам чинни завод, қоровулхона

Ҳайдар мўйловни кўрган кишилар уни қоровул деб билишади. Аммо, мўйловнинг дунёда қилмаган иши қолган эмас, у чинни заводи, ғишт ҳумдон дейсизми, ҳаммасида ишлаган. Қўйинг-чи, ҳозир маҳалла идорасида қоровул. Албатта, ўзидан кўриниб турибдики, мўйлов бирор ерда қотириб ишламаган, хотини эса мўйловни қаерда ишлагани сўраб ўтирмайди. Мана бундай гап оҳангидан дарров биладиқўяди:

— Азизим, — деб келарди бир вақтлар мўйлов, — сизнинг қаддингиз кўзага, овозингиз пиёланинг жарангдор мусиқасига, кулишингиз первий сорт косага ўхшайди.

Хотини майингина кулади. Биладики, эри чинни заводида ишлаяпти.

Яна бир кун Ҳайдар мўйлов гапнинг тўнини мана бундай деб ўзгартириб келади:

— Хотинжон, сени секин-секин юришингни юк машинасига, кулиб пешвоз чиқишингни «Мерседес»га ўхшатаман. Оҳ-оҳ, баъзан «Нексия»дек лип-лип қилиб енгил учасанки. Қани энди, доим шундай бўлсанг?!

Демак, Ҳайдар мўйловни «машина саройи»га ишга киргани ёлғон эмас, рост экан.

— Ҳи-ҳи, — деб келади яна бир куни, — тилинг бирам пўлат қайчига ўхшайдики, ҳар гапирганда қийиб-қийиб гапирасан. Айрим хотинларга ўхшаб умрнинг эгови бўлма, — дейди, яна бирпас туриб, —Ҳай-ҳай, ҳар гапларинг худди қисқичга ўхшайдики, узиб-узиб гапиришинг.

Ҳайдар мўйловнинг хўжалик дўконида ишлаётганини рўкач қилиб ҳар куни хотини билан шундай арралашаётганини кўрган киши ажабланмаса ҳам бўлади.

Мўйловнинг одати кўп қизиқ. Кеча болаларига қараб:

— Сенлар чўлтоқ супургисанлар, чўлтоқ супурги, — деяётган эди. Бу нима дегани?! Ҳайдар мўйловнинг қаерда ишлаётганини билолмай уйдагилари ҳайрон.

Ўйлда учраган гаплар

Шеър машқ қилиб юрадиган ёш шоирга:

— Улуғ ёзувчилар йўлидан боринг, — деб маслаҳат беришди. Шундан бери у ҳар куни фақат Навоий, Қодирий, Дониш кўчаларидан юради.

* * *

Тижорат дўконидаги суҳбатдан.

— Укам, мана бу зебу зийнат қанча сўм туради?

— Беш минг доллар! 30 минг сўм.

— Ўх-ҳў! Мана буниси-чи?

— Буниси иккита «ўх-ҳў!»

Дунё ҳам лол қолади

Яқинда Ғазалкентдаги Ўзбекистон — Англия «Конвин» қўшма корхонасига Америка Қўшма Штатларидан хушхабар келди. Сан-Франциско шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон виночиларининг йирик анжуманида корхонада тайёрланган «Сижжак», «Оқтош», «Кагор» каби виноларга юксак баҳо берилди. Италия, Франция, Испания сингари виночилик тараққий этган мамлакатлар қатори ғазалкентликларнинг маҳсулоти ҳам юксак баҳоланиши юртимизда ушбу соҳа ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон виноларига сифат сертификати берилди. Маҳсулотларга америкаликлар қойил қолишди. Зеро, серқуёш ўлкамизнинг сахий ёзи офтобида товланиб, бол тўплаган узумлардан олинган винолар табиий ширадорлиги билан ажралиб туради. Илгари Америка бозорида Италия, Франция, Испания маҳсулотлари ҳукмрон эди. Энди бу бозорга Ўзбекистон ҳам кириб келмоқда. Кириб келганда ҳам дадил қадам билан одимламоқда.

Айни пайтда Американинг GMI компанияси билан шартнома тузилиб, 1 миллион долларлик «Сижжак» виносининг Сан-Франциско шаҳрида сотилишига келишиб олинганлиги қувончлидир. Бундан ташқари Европа бозорига чиқиш учун ҳам дастлабки қадамлар қўйилди. Чунончи Грециядаги ишбилармонлар билан 100 минг долларлик, Швейцариянинг «Пайнхил» фирмаси билан 200 минг долларлик «Чимён» арағини сотиш учун шартнома тузилди. Демак, экологик жиҳатдан тоза, энг ширин виноларимиз жаҳон бозорини забт этмоқда. Европаликларга эса муносиб, кучли рақобатчи пайдо бўлди.

Аслида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақида гап борганда биринчи галда олтин конлари-ю, кенг пахтазорлари ёки нефть миноралари кўз олдингизга келади. Бироқ мамлакатимизнинг яна бир бойлиги борки, унга ҳам назар солиб қўйиш керак. Бу беполён боғ-роғларимизда етиштирилаётган ширин-шакар мева-ю узумлардир. Шу маънода боғ-роғларнинг меваси бўлмиш маҳсулотларни қайта ишлаб, уларни эл дастурхонига, ҳатто хорижий мамлакатларга етказиб бериш муҳим вазифадир.

Кейинги йилларда узум ва бошқа меваларни қайта ишлаш борасида бирмунча яхши натижаларга эришилди. Ўзбекистон виноси жаҳон бозорига чиқа бошлади. Бу борада «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясига қарашли корхоналарда қилинаётган ишлар ибратлидир. Айниқса, хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда очилган қўшма корхоналарда ютуқлар яққол кўзга ташланмоқда.

Ғазалкент шаҳридаги очиқ турдаги шароб озиқ-овқат ҳиссадорлик жамияти базасида 1996 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Англия «Конвин» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Шуни айтиш керакки, қўшма корхона ташкил этилишидан олдин жамият давлатдан ва харидорлардан миллион-миллион қарздор эди. Чет эл сармояси жалб этилиб, қўшма корхона ташкил этилгандан сўнг жами 91 миллион сўмлик қарзлардан халос бўлинди. Ўтган йилнинг якуни бўйича эса 27 миллион 457 минг сўмлик соф даромад кўрилганлиги маълум бўлди. Шундан 15 миллион 110 минг сўми ҳиссадорларга дивиденд сифатида тарқатилди.

Айни пайтда қўшма корхонанинг Низом жамғармаси 146 миллион 596 минг сўм бўлиб, унинг 25 фоизи давлат мулк қўмитасига, 26 фоизи меҳнат жамоасига, 22 фоизи Англиянинг «Пайнхил» фирмасига, 3 фоизи эса «Риб» фирмасига тегишлидир. Акцияларнинг 24 фоизи эса очиқ савдога чиқарилди.

Корхона 1997 йилда 366 минг декалитр узум виноси ишлаб чиқарди. 167 минг дал ароқ қуйилди.

— Қўшма корхона ташкил этганимиздан сўнг ишчиларимиз ўртасида ҳалоллик, ўз ишига нисбатан юксак масъулият кучайди, — дейди корхона раҳбари Машрабжон Махсумов. — Шу боис ҳам маҳсулотларимиз сифати тобора ошиб бормоқда. Айниқса ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун янги илғор технологияни жорий этишга киришганимиз яхши самара бермоқда. Ахир, баракали Ўзбекистон қуёшидан баҳраманд бўлган шаробларимиз жаҳондаги кўплаб мутахассисларни қойил қолдираётганлиги бежиз эмас-ку. Бироқ бизда тайёр маҳсулотни яхшилаб безаб кўрсатиш, уни чиройли шишаларга жойлаш маҳорати етишмай келарди. Эндиликда ана шундай камчиликларга барҳам бериш йўлидан бораяпмиз. Бу борада дастлабки қадамларни қўйдик. Жаҳондаги илғор корхона ва фирмалар билан ҳамкорликда чиройли шиша идишлар келтиряпмиз. Маҳсулотнинг дизайнига аҳамият беряпмиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бизга жуда қўл келди. Яъни четдан келадиган алкоголли ичимликлар акциз солиғига 90 фоиз ставка қўйилиши ҳамда республикамизга четдан спирт киришини таъқиқлаш, жисмоний шахслар томонидан алкоголли ичимликларни сотишни таъқиқлаш мамлакатимиз истеъмолчиларини сифатсиз ва қўлбола маҳсулотлардан ҳимоя қилади.

Кейинги пайтларда қўшма корхонада маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш борасида изланишлар давом эттириляпти. Жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлган маҳсулотлар кўпайтириляпти. Айниқса, бежирим идишларга қуйилган юқори сифатли «Сижжак», «Кагор», «Алеатико», «Хумсон», «Оқтош» каби олий навли винолар ҳар қандай юксак дидли истеъмолчини ўзига чорлаб олади.

Шу йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида ҳам бу ерда қатор ютуқларга эришилди. Айниқса, қисқа даврда 66 минг дал вино қуйилганлиги қувончлидир.

Корхона ўзи ишлаб топган соф даромаднинг асосий қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, янги-янги цехлар қуришга, илғор технологияни олиб келишга сарфламоқда. Айни пайтда корхона ҳовлисида улкан қурилиш ишлари амалга ошириляпти. Италиянинг «Мак» фирмаси эса ана шу янги цехлар учун 4 та замонавий қуйиш линияси тайёрламоқда. Янги корхона ишга тушгач, маҳсулот ишлаб чиқариш бир неча баробар ортади. Демак, республикамиз хазинасига тушадиган валюта тушуми янада кўпаяди.

Корхонада ўз ишининг устаси бўлмиш фидокорлар талайгина. Раҳматилла Сайдалиев, Тошпўлат Долиев, Усмон Тўраматов, Ольга Маркова, Холида Валиева, Турсуной Тошматова, Мавжуда Кўчкинова ҳақиқий маънода жамоанинг фахридир.

Қўшма корхона ишчи-хизматчилари бугунги кунда боғ-роғларда етиштирилаётган янги ҳосилни қабул қилишга ҳозирлик кўришмоқда. Ана шу болга тўлган, экологик тоза узумлар олий навли тайёр маҳсулотга айланишига шубҳа йўқ. Ҳадемай улар элимиз дастурхонини тўлдириб, хорижга ҳам йўл олади. Бинобарин, Ватанимиз хазинасига талайгина валюта ҳам келтиради.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.
Суратларда:
1.Корхона цехларидан бирида.
2.Янги завод ҳам бунёд этиляпти.



Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи -дастурчи ***Бахтиёр Ҳамидов***

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматида. 19.866 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0232

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА